

Қиммат бўлса яхши бўларди



08:08 / 02.07.2020 3331

Умар ибн Абдулазизнинг вазири Ражо ибн Ҳайва айтади: «Умар ибн Абдулазиз Мадинага волий бўлган вақтида мени ўзига кўйлак сотиб олиш учун юборди. Мен у кишига беш юз дирҳамлик кўйлак сотиб олдим. Умар уни кўриб, «Баҳоси арзонроқ бўлса яхши бўларди», деди. Мен бу гапни эслаб қолдим. Кейинроқ, халифа бўлганларида яна мени ўзига кўйлак сотиб олишга юборди. Бу сафар мен беш дирҳамлик кўйлак сотиб олдим. Лекин Умар уни кўриб, «Нархи қиммат бўлса яхши бўларди», деди. Мен бу сўзларни эшитиб, йиғлаб юбордим. Умар ҳайрон бўлиб, «Эй Ражо, нимага йиғлаяпсан?» деди. «Бир неча йил қиммат кўйлак сотиб олганимда нима деганингиз эсимга тушди», дедим. Умар ибн Абдулазиз шундай деди: «Эй Ражо, менинг нафсим қаттиқ хоҳловчидир. Мен фақат у хоҳлаган нарсага интилдим. Нафсим амакимнинг қизи Фотима бинти Абдулмалик билан турмуш қуришни хоҳлади, у билан турмуш қурдим. Нафсим ҳокимиятга

интилди, мен волий бўлдим. Нафсим халифаликка интилди, бунга ҳам эришдим. Энди эса, эй Ражо, нафсим жаннатни хоҳлаяпти. Иншааллох, умид қиламанки, жаннат аҳлидан бўламан», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан